

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ  
ХАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc32/30.12.2019. Уш.74.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРСУНОВ ФАРРУХ ҒУЛОМОВИЧ

НОЮРИДИК ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ХУҚУҚИЙ  
ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

(“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими”  
таълим йўналиши мисолида)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ҳуқуқ)

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences

**Турсунов Фаррух Гуломович**

Ноюрдидк олий таълим муассасаларида хукукий таълим назарияси ва  
методикасини такомиллаштириш.....3

**Турсунов Фаррух Гуломович**

Совершенствование теории и методики правового образования в  
неюрдидческих высших образовательных учреждениях .....23

**Tursunov Farrukh Gulomovich**

Enhancing the theory and methodology of legal education in non - formal higher  
education institutions.....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....47

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ  
ХАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc32/30.12.2019. Уш. 74.01  
РАКАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ

ТУRSУНОВ ФАРРУХ ГУЛОМОВИЧ

НОЮРИДИК ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ХУКУҚИЙ  
ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

(“Миллий ғоя, маънавият асослари ва хуқуқ таълими”  
таълим йуналиши мисолида)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ХУКУҚ)

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси  
Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Махкамаси ҳузуридаги Олий аттестация  
комиссиясида В2019.4.PhD/Ред1208 ракам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Низомий номидати Тошкент давлат педагогика университетида  
бажарилган.

Диссертация авторферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-сайтида  
ва «ZiyouNET» Ахборот-таълим тармоғи порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мирқосимова Марғуба Мирқобилевна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оponentлар:**

**Усманова Муборак Акмалджановна**  
юридик фанлари доктори, профессор

**Маматқулов Давлатжон Махаматжонович**  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори  
(PhD), доцент

**Етакчи ташкилот:**


**Наманган давлат университети**

Диссертация химояси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник  
институтини ҳузуридаги DSc 32/30 12.2019-Ҳ.Ҳ.74.01 ракамли Илмий кенгаш асосидаги Бир  
мартали илмий кенгашнинг 2020 йил «16» 12 соат 15:30 даги мажлисида бўлиб  
Ўтади (Манзил: 100109, Тошкент вил., Зангиота тумани, Чорсу кўрғони Тел.: (99871) 230-  
32-71; факс: (99871) 230-32-50. e-mail: hi@dtmail.uz.


Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник  
институтини Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 0214-раками билан рўйхатга  
олинган) (Манзил: 100109, Тошкент а., Зангиота тумани, Чорсу кўрғони. Тел.: (+99871)  
230-32-71; факс: (+998971) 230-32-50).

Диссертация авторферати 2020 йил «7» 12 кунни тарқатилди.  
(2020 йил «7» 12 даги 14 ракамли ресстр баенномаси)



  
**M.X. Ruzstambayev**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, ю.ф.д., проф.

  
**M.T. Akhmedova**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, ю.ф.д., доц.

**Р.М. Махмудов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, п.ф.д., доц.

**КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда олий таълим иктисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорликни таъминловчи омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Жаҳондаги нуфузли олий таълим муассасаларида хукукий таълим назарияси ва методикасини такомиллаштиришга доир хукукий клиника (legal clinic)ларни ташкил этиш масаласи (АҚШ, Австралия); инсон хукукларини ўқитиш (Франция); хукук фанларини ўқитишнинг назарияси ва методикасини такомиллаштириш масаласи (Россия, Украина) амалиётга тadbик этилган. Қолаверса, иктисодий ривожланган давлатлар (АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Япония, Жанубий Корея) таълими тажрибасида олий таълим муассасаларида хукук фанларини қонун чиқарувчи органлар (Сенат, Қонунчилик палатаси), фуқаролар хавфсизлигини таъминловчи ва хукукни муҳофаза қилувчи ташкилотлар билан ҳамкорликда ўқитиш амалиёти жорий этилган.

Жаҳонда ривожланган давлатлар тажрибасига кўра, бўлажак хукукшуносларни касбий ҳамда педагогик тайёрлаш махсус таянч тайёрларлик негизида амалга оширилади. Хусусан, АҚШда LSAT (Law school admission test) жорий этилган бўлиб, ушбу баҳолаш тизими натижаси юридик билимларни мутахассис сифатида ўзлаштириш учун асос қилиб олинди. Германия, Франция, Буюк Британия, Италия, Испания, Исроил, Япония, Жанубий Корея, Россия каби давлатларда хукук фанларини ўқитиш муаммоли таълим (problem learning), хусусан, "хукукий қазусларни таҳлил қилиш" технологиясига асосланади. Хорижий давлатларнинг талабаларни бевосита юридик ташкилотлар фаолиятига фаол жалб қилиш тажрибаси эса улар томонидан хукукий муносабатлар жараёнини теран англаш, хукукий масалаларни ижобий ҳал қилиш малакаларига эга бўлишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасида ўқувчи-ёшларнинг хукукий онг ва маданиятини юксалтириш, хукук фанларини ўқитишда узвийлик ва узлуксизликни таъминлашга доир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, бўлажак педагогларда хукукий компетенцияларни ривожлантириш, бола хукукларига доир кўникма ва малакаларни таркиб топтириш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "Аҳолининг хукукий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борда давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш" каби муҳим вазифалар белгилаб берилди. Бу эса, ноғоридик олий таълим муассасаларида хукук фанларини ўқитиш таъминлари ва ёндашувларни аниқлаштириш, хукук фанларини ўқитишнинг ташкилий-функционал моделини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги УРҚ-406-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 9 январдаги "Жамиятда хукукий онг ва

хукукий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисидаги ПФ-5618-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон фармонлари, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа маъёрий-хукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадкикотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожланишининг 1. “Демократик ва хукукий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иктисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикада хукукий таълимни ташкил этиш, замонавий педагогик тамойиллар ва ёндашувлар асосида хукук фанларини ўқитишнинг самардорлигини ошириш, ўрта махус ва олий таълим муассасалари, хусусан ноюрidik олий таълим муассасаларида хукук фанларини ўқитиш методикасини такомиллаштириш масалалари М.Давлетова, З.М.Исломов, О.А.Каримова, Т.К.Кудайбергенова, А.Х.Саидов, У.Тожиқонов, Р.М.Махмудов, Н.Ф.Сайдалиходжаева, М.Х.Усмонбоева, Е.М.Тилеуов, Х.Н.Тўйчиева ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Б.Вахобжонов, М.А.Ганиева, М.Камолитдинов, А.А.Расулов, М.Х.Усмонбоева, Д.М.Файзуллаева, М.М.Хайдаров каби олимларнинг ишларида илгор педагогик технологиялар, уларнинг дидактик имкониятлари, таълим олувчиларнинг ўқув-билиш фаоллигини оширишдаги аҳамияти, инновацион таълим турлари (муаммоли ва интерфаол таълим ҳамда ўйин технологиялари), интерфаол методлар, уларнинг моҳияти ва қўллаш тартиби хусусида сўз юритилган.

Хукук фанлари бўйича бир қатор тадқиқотчилар жумладан, Ю.Турсунов, М.А.Усманова “Меҳнат хукуки” фани; И.Б.Зокиров, М.М.Мамасидиков, З.Муқимов, С.И.Сайдахмедов “Фуқаролик хукуки” фани; М.Х.Рустамбаев, Д.М.Миразов, О.Ғ.Зокирова, Қ.Р.Абдурасулова ва бошқа тадқиқотчилар томонидан “Жиноят хукуки” фанига доир илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари олимларидан С.В.Болонина, П.Д.Ғаджиева, Л.Х.Ғайтова, В.Е.Егоров, В.Н.Жадан, Е.М.Кропанева, Р.М.Магомедова, М.В.Мотехина, О.Ю.Назарова, Е.А.Певцова, И.В.Скурагов, И.Ю.Титаренко кабиларнинг илмий изланишларида олий таълим муассасаларида хукук фанларини ўқитиш тенденциялари, хукук таълимини ташкил этишга замонавий ёндашувлар, хукук фанларини ўқитишнинг ўзига хос жиҳатлари, хукук таълими мазмунини ва амалиётини ижтимоий-педагогик талаблар асосида бойитиш,

хорижий мамлакатларда хукук фанларини ўқитишга доир муаммолар ўрганилган.

Хорижлик олимлардан Бретт А. Броссайт (Brett A. Brosseit), Дентон Картер (Denton Carter), Кандас Миребил (Candace Mirabile), Кристин Хельге (Kristyn Helge), Смит Патрик Аллан (Smith Patrick Allan), Мари-Дениз Дюён (Marie-Denise Douyon), Роберт В. Беглов (Robert W. Bigelow), Сьюзен Яворовски (Susan Jawogowski) кабилар томонидан хукук фанларини ўқитишга замонавий ёндашиш, инновацион тамойиллар асосида талабаларда хукукий онг, фаоллик ва маданиятни ривожлантириш масалалари ўрганилган.

Бирок ноюрidik олий таълим муассасаларида хукукий таълим назарияси ва методикасини такомиллаштиришга доир махус илмий изланиш олиб борилмаган. Ана шу долзарбликдан келиб чиққан ҳолда мазкур йўналишларда илмий изланишлар олиб бориш зарурлиги ҳақидаги хулосага келинди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Тошкент давлат педагогика университети илмий тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф1-36 “Талабалар маънавиятини диагностика қилиш механизмларини такомиллаштириш” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадкикотнинг мақсади** ноюрidik олий таълим муассасаларида хукукий таълим назарияси ва методикасини такомиллаштиришга қаратилган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадкикотнинг вазифалари:**

ноюрidik олий таълим муассасаларида хукук фанларини ўқитишнинг назарий тавсифини ёритиш;

хукук таълими тарихи, ўқитишнинг устувор тамойиллари ва муҳим ёндашувларини таҳлил қилиш;

олий таълим муассасаларида хукук фанларини ўқитишнинг мавжуд ҳолатини илмий жиҳатдан таҳлил қилиш;

хориж тажрибаси ва шахсга йўналтирилган технологиялар асосида хукукий таълим мазмунини такомиллаштириш омилларини аниқлаштириш;

ноюрidik олий таълим муассасаларида хукук фанларини ўқитишнинг ташкилий-функционал моделини ишлаб чиқиш;

хукук фанларини ўқитишнинг инновацион технологиялари самардорлигини баҳолаш.

**Тадкикотнинг объекти** сифатида ноюрidik олий таълим муассасаларида хукукий таълим назарияси ва методикасини такомиллаштириш жараёни танлаб олиниб, тажриба-синов ишларига Тошкент давлат педагогика университети, Қарши давлат университети, Ташкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг 442 нафар респондент-талабаси иштирок этди.

**Тадкикотнинг предмети** бўлиб ноюрidik олий таълим муассасаларида хукук фанларини ўқитиш мазмуни, шакл, метод ва воситалари хизмат қилган.

**Тадкикотнинг усуллари.** Тадкикотда унинг максали ва вазифаларига мувофиқ келувчи тарихий ва тизимли усул, анализ ва синтез усули, кибсий-хукукий ва тахлил қилиш усули, норматив-хукукий ва амалий тахлил, умумлаштириш, мантқийлик ҳамда маълумотларни тизимли тахлил қилиш, хоржий тажрибаларни ўрганиш; анкета, интервью, суҳбат, педагогик тажриба, натижаларни математик ва статистик тахлил қилиш усулларидан фойдаланилади.

**Тадкикотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:  
ноюрлик олий таълим муассасаларида хукук фанларини ўқитиш мазмуни ҳамда модели интерфаол (interactive learning) ва муаммоли таълим (problem learning), ўйин технологиялари (gaming technology) асосида такомиллаштирилган;

интерфаол методлар, ўқув кейслари, хукукий казуслар, дидактик ўйинлар, хусусан, “Бир асосга эга иборалар” дидактик ўйини негизида хукук фанларини ўқитиш самардорлигини таъминлаш асосланган;

ноюрлик олий таълим муассасаларида хукук фанларини ўқитиш самардорлигини баҳоловчи когнитив, эмпирик, креативлик мезонлари ҳамда даража кўрсаткичлари белгиланган;

стратегик ёндашув асосда ноюрлик олий таълим муассасаларида хукук фанларини ўқитиш самардорлигини белгилувчи илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадкикотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ноюрлик олий таълим муассасалари талабаларида шакллантирилиши лозим бўлган хукукий компетенциялар тизими аниқлаштирилган;

хукукий таълим мазмунини структуралаштириш мезонлари аниқланган; ноюрлик олий таълим муассасаларида хукук фанларини ўқитиш модели ишлаб чиқилган;

“Хукукий таълим назарияси ва методикаси (Меҳнат хукуки фани мисолида)” номли ўқув қўлланма нашр эттирилган.

**Тадкикот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув, усулларнинг илмий-методик асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган тахлиллар, тажриба-синов ишлари самардорлиги математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса, тақлиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадкикот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадкикотнинг илмий аҳамияти ноюрлик олий таълим муассасаларида хукук фанларини ўқитиш мазмуни (устувор тамойиллари, етакчи назарий гоялари, самарали шакл, метод, восита ва технологиялари, таълим натижасини белгилувчи мезон ва даража кўрсаткичларининг) тизимли асосланганлиги, таянч иборалар (“хукук фанларини ўқитиш методикаси”, “ноюрлик таълим муассасаларида хукук таълими назариясини такомиллаштириш”, “ноюрлик олий таълим муассасаларида хукук фанларини ўқитиш методикаси фанининг максали”) илмий-педагогик жиҳатдан ёритиб берилганлиги, ноюрлик олий

таълим муассасаларида хукук фанларини ўқитишнинг устувор тамойиллари ва муҳим ёндашувларининг асосланганлиги, ноюрлик олий таълим муассасаларида хукук фанларини ўқитиш методикасини такомиллаштириш жараёнининг моҳиятини ёритувчи моделнинг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадкикотнинг амалий аҳамияти ноюрлик олий таълим муассасаларида ўқитишнинг инновацион таълим турлари ва дидактик имкониятларига таянган ҳолда илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилганлиги, тадкикотнинг етакчи назарий гоялари ва муҳим амалий натижаларидан ноюрлик, шунингдек, юридик олий таълим муассасаларида хукук фанларини ўқитишда самарали фойдаланиш имкониятининг очиб берилганлиги, олий таълим муассасаларида хукук фанларини ўқитишда талабаларнинг билим, кўникма, малака-компетентлик сифатларини таъхислаш ҳамда баҳолаш мезонларининг белгилаб берилганлиги билан изоҳланади.

**Тадкикот натижаларининг жорий қилиниши.** Ноюрлик олий таълим муассасаларида хукукий таълим назарияси ва методикасини такомиллаштиришга доир тадкикот натижалари асосида:

ноюрлик олий таълим муассасаларида хукук фанларини ўқитишнинг структуралаштиришнинг дидактик параметрларини аниқлаштириш, концентриз тамойили асосида таянч, фанлараро ва хусусий компетенцияларни ишлаб чиқишга доир тақлиф ва тавсиялардан 5111600 – Миллий гоя, маънавият асослари ва хукук таълим бакалаврият йўналишининг Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 3 июндаги 89-03-2369-сон маълумотномаси). Натижада, ноюрлик олий таълим муассасаси талабаларининг хукукий компетенцияларини ривожлантиришга хизмат қилган;

ноюрлик олий таълим муассасаларида хукук фанларини ўқитишнинг ташкилий-функционал моделнинг амалий компонентини такомиллаштириш, интерфаол методлар, ўқув кейслари, хукукий казуслар, дидактик ўйинларни талабаларнинг репродуктив, эвристик, креатив даражадаги ўқув-билиш фаолияти билан горизонтал ва вертикал алоқадорлигини ҳисобга олишга доир амалий тақлиф ва тавсиялардан меҳнат қонуқчилиги ҳужжатлари билан ишлашда ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган болаларни таълимга камраб олиш каби ўқув модуллари бўйича тавсияномалар ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 24 ноябрдаги 89-03-4916-сон маълумотномаси). Натижада, хукукий таълим жараёнида интерфаол ўқитиш усулларидан фойдаланиш самардорлигини оширишга эришилган;

хукук фанларини ўқитишнинг инновацион технологияларини ПАМО-формула юридик усулини медиация техникаси билан ўзаро мақбул интеграциясини таъминлаш орқали тренинг машгулотларида адаптив қўллашга доир амалий тақлиф ва тавсиялардан “Узлуқсиз маънавий тарбия” Концепциясини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 1 июлдаги 207-624-сон маълумотномаси).

Натижада, ҳуқуқий таълим бўйича коуч-тренерлар тайёрлаш самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 21 та жумладан, 5 та халқаро, 16 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш, шундан 7 та мақола (1 та си хорижда) чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация иши кириш, 3 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Иш 147 бет ҳажмда бажарилган.

### ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг максали ва вазифалари, шунингдек объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фаи ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

**Ишнинг биринчи боби “Ноюрдик олий таълим муассасаларида ҳуқуқ фанларини ўқитиш методикасини такомиллаштиришнинг методологик асослари”** деб номланган бўлиб, унда ноюрдик олий таълим муассасаларида ҳуқуқ фанларини ўқитишнинг назарий тавсифи, устувор тамойиллари ва муҳим ёндашувлари ҳамда олий таълим муассасаларида ҳуқуқ фанларини ўқитишнинг мавжуд ҳолати ҳусусида сўз юритилган.

“Ҳуқуқий таълим назарияси ва амалиёти” тushunchasi аксарият ҳолатларда “ҳуқуқ фанларини ўқитиш методикаси” сифатида қўлланилади. Шунга кўра ноюрдик олий таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим назарияси ва амалиётини такомиллаштиришда ҳуқуқ фанларини ўқитиш методикаси ўқув фанининг умумий моҳияти, етакчи гоялари, дидактик имкониятини етарлича англаб олиш тақозо этилади.

Маълумки, ҳуқуқ фанларини ўқитиш методикаси бу таълим муассасасининг фаолият йўналиши, соҳани ривожлантириш концепциясининг моҳияти, бўлажак мутахассиснинг касбий-ҳуқуқий компетентлигига қўйиладиган талабларни инобатга олган ҳолда юридик материалларни танлаш асосида талабаларни назарий ва амалий жихатдан касбий фаолиятга тайёрлашга, ҳуқуқ таълими сифатини яхшилаш, ўқитиш самарадорлигини ошириш максалида таълим шакли, методи, восита ҳамда технологияларини такомиллаштиришга хизмат қилувчи ўқув фанлари йиғиндисидир.

Шундан келиб чиққан ҳолда тадқиқот объекти сифатида танланган “Миллий гоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналишида ҳуқуқ фанларини ўқитиш тегишли ўқув фанлари (“Миллий гоя ва маънавият

асослари” ҳамда ҳуқуқ фанлари – давлат ва ҳуқуқ асослари, маъмурий ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, экологик ҳуқуқ)дан талабаларга назарий ҳамда амалий билимлар бериб, касбий фаолиятда самарали фойдаланиш малакасини шакллантириш жараёнини ташкил этади.

Демак, ҳар бир ўқув фанини ўқитиш аннқ белгиланган максад асосида ташкил этилади. Ноюрдик олий таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим назарияси ва методикасини такомиллаштириш муаммосини ҳал қилишда тегишли ўқув фанининг назарий-методологик асослари, ўзига хос хусусиятларидан етарли даражада хабардор бўлиш муҳим аҳамиятга эга.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, *ҳуқуқ фанларини ўқитиш методикаси* – ноюрдик таълим муассасаларининг фаолият йўналиши, соҳани ривожлантириш концепцияси моҳияти, бўлажак мутахассиснинг касбий-ҳуқуқий компетентлигига қўйиладиган талабларни инобатга олган ҳолда юридик материалларни танлаш, улардан талабаларни хабардор қилиш ва касбий фаолиятга тайёрлашга хизмат қилувчи ўқув фанлари комплексиدير.

Айни вақтда, ноюрдик олий таълим муассасаларида ҳуқуқ фанларини ўқитиш методикаси “Миллий гоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналишида ўқитилмоқда. Ноюрдик олий таълим муассасаларида ҳуқуқ фанларини ўқитиш методикасининг предметини ҳуқуқий таълим концепцияси мазмуни (ДПС, ўқув дастури, дарслик, ўқув-методик қўлланма, методик тавсиянома, методик ишланма ва назорат топшириқлари), ўқитишнинг ташкилий шакллари, методлари, усуллари, воситалари, технологияларининг мажмуи ташкил этади.

*Ҳуқуқ фанларини ўқитиш методикасининг максали* – тегишли ихтисослик бўйича касбий фаолиятни ташкил этишга доир назарий-ҳуқуқий билимларни талабалар томонидан пухта ўзлаштиришга эришиш, амалиётда улардан самарали фойдаланиш кўникма-малакаларини ривожлантириш орқали касбий-ҳуқуқий компетентлик сифатларига эга бўлишларини таъминловчи зарур педагогик шарт-шароитларни яратилдан иборат.


Ҳуқуқий фанларнинг максалига таянган ҳолда куйидаги **вазифалар** ҳал қилинади: глобаллашув ва инновацион ўзгаришлар шароитида рўй бераётган таълимий янгиланишлар, янгиланаётган ижтимоий-ҳуқуқий қарашлар, касбий компетентликка қўйиладиган мавжуд талабларни инобатга олган ҳолда тегишли ихтисослик соҳасига оид ҳуқуқий материалларни танлаш, тизимлаштириш асосида ўқув фани мазмунини такомиллаштириш; умумий, ихтисослик ва ҳуқуқ фанлари ўртасидаги ўзаро интеграцияга мувофиқ талабаларни амалий жихатдан касбий-ҳуқуқий фаолиятга тайёрлаш; ўқитиш жараёнига илгор педагогик технологиялар, инновацион характердаги метод, восита ва технологияларни татбиқ этиш орқали талабаларнинг касбий-ҳуқуқий билимларини ўзлаштириш мотивациясини, ўқув-билиш фаолиятини ошириш, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш; бўлажак мутахассис сифатида талабалар томонидан ўзлаштирилган касбий-ҳуқуқий билим, кўникма, малака, компетентлик сифатлари даражасини ташхислаш ва баҳолаш; 11

муваққил таълимни ташкил этишга жалб қилиш орқали талабаларда мавжуд касбий-хукукий билим, кўникма, малака ва компетенциялик билимлари даражасини рефлексив баҳолашга одатлантириш.

Ноюрдик олий таълим муассасаларида хукук фанларини ўқитиш назарияси ва методикасини такомиллаштириш куйидаги йўналишларининг бири ёки барчаси бўйича яхлит ҳолда амалга оширилади: 1) хукук фанларини ўқитиш сифатини яхшилаш, самардорлигини оширишнинг истиқболли йўналишларини белгилаш асосида хукукий таълим концепциясини мазмунан янгитиш; 2) хукук фанлари бўйича ташкил этиладиган машғулотларни замонавий ёндашувларга асосланган шаклларида ташкил этиш; 3) хукук фанларини ўқитиш жараёнида талабаларнинг ўқув-билиш фаоллигини оширишга хизмат қилувчи инновацион методлардан фойдаланиш; 4) хукук фанлари бўйича ўқув машғулотларини таълимнинг замонавий воситалари ёрдамида ташкил этиш; 5) хукук фанларини ўқитиш жараёнига шахсга йўналтирилган таълим технологияларини тағбиқ этиш; 6) хукук таълими мақсадининг натижаланганлигини ташхислашда замонавий метод, восита ва технологияларни қўллаш; 7) глобал ахборотлашув ҳамда инновацион таълим муҳити шароитида мавжуд эҳтиёж, ижтимоий зарурият тақозосига кўра ўқув дастури янгитиш.

Талқикотни олиб боришда танланган муаммонинг умумий моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ноюрдик олий таълим муассасаларида хукук фанларини ўқитиш жараёнининг дидактик модели яратилди (1-расм).


Ноюрдик олий таълим муассасаларида хукук фанларини ўқитиш самардорлигига эришишда таълим жараёнига нисбатан ёндашув моҳияти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Талқикотни олиб бориш дарида хукук фанларини ўқитишда самарали бўлган ёндашувларни аниқлашга эътибор қаратилди. Назарий таҳлил ҳамда амалиётни педагогик кузатиш натижасида куйидаги ёндашувлар хукук фанларини ўқитишда самарали эканлиги аниқланди (2-расм):



2-расм. Ноюрдик олий таълим муассасаларида хукук фанларини самарали ўқитишга оид ёндашув турлари

Давр талаби ноюрдик олий таълим муассасаларида хукук фанларини ўқитиш методикасининг такомиллашувини ҳам тақозо этмоқда. Хукук фанларини ўқитишда хукукий таълим, педагогика ва методика фанларининг ўзаро интеграциясини таъминлаш; хукукий таълим мазмунига шахсга йўналтирилган таълим гоиларини, талабаларни касбий тайёрлашда

самардорликка эришишни кафолатловчи дидактик қарашларни сингдириш; хукукий таълимнинг сифатини яхшилаш ва самардорлигини таъминлашга хизмат қилувчи таълим технологияларини танлаш; хукук фанларини ўқитишнинг ўқув-методик ҳамда техник таъминотини мустаҳкамлаш каби вазифаларнинг ҳал қилиниши ноюрдик олий таълим муассасаларида хукук фанларини ўқитиш мазмунининг такомиллашувини таъминлайди.



1-расм. Ноюрдик олий таълим муассасаларида хукук фанларини ўқитиш жараёнининг дидактик модели

Ноюрдик олий таълим муассасаларида хукук фанларини ўқитиш методикасини такомиллаштиришда хукук таълимнинг устувор тамойиллари ҳамда муҳим ёндашувларини белгилаб олиш муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, устувор тамойилларнинг тўғри танланиши хукук фанларини ўқитишнинг моҳиятини белгилаб беради.

Тадқиқот жараёнида ҳуқук фанларини ўқитишнинг илмийлик; тизимлилик, изчиллик; назария ва амалиёт бирлиги; амалий йўналганлик; ижтимоий-ҳуқуқий фаоллик; таълимий ҳамкорлик; интеграция; ўзаро алоқадорлиги ва ҳуқуқий нигилизмга муроасасизлик каби тамойиллар, шунингдек, шахсга йўналтирилган; мажмуавий, инновацион, муаммоли, интерфаол, рефлексив ҳамда компетентли ёндашувга асосланиши таълим самарадорлигини таъминлашига ишонч ҳосил қилинди. Шунингдек, фикс (ҳуқуқшунослик)да “Жадал” - мунозара илмига асос солган Фахр ул-ислом Паздавийнинг ҳаёти ва илмий мероси ўрганилди.

Ишнинг олий таълим муассасаларида ҳуқук фанларини ўқитишга оид ҳориж тажрибаси, ноюрлик олий таълим муассасаларида ҳуқук фанларини ўқитишда шахсга йўналтирилган технологияларнинг ўрни, шунингдек, ноюрлик олий таълим муассасаларида ҳуқук фанларини ўқитишнинг инновацион шакллари тўғрисида сўз юритилган иккинчи боби “**Ноюрлик олий таълим муассасаларида ҳуқук фанларини ўқитиш методикасини такомиллаштириш**” деб номланган.

Иқтисодий жиҳатдан етакчи ҳорижий давлатларнинг олий таълим муассасаларида ҳуқук фанларини ўқитишга оид ҳориж тажрибасини ўрганиш натижасида қуйидагилар маълум бўлди: бугунги кунда 40 дан ортик давлатларда аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш мақсадида “Street Law” (“Куча ҳуқуқи”) дастури қўлланилмоқда; ўқувчилар ҳуқуқшунослик йўналишида фаолият курсатувчи “виртуал университетлар”, “виртуал коллежлар” дан иборат тизим воєнтасида юридик олий таълим муассасаларига тайёрланади; қабул жараёнлари ҳуқуқшунослик мактабига ўқувчиларни қабул қилишда ўта муҳим бўлган тест – LSAT (Law school admission test) натижаларига таянган ҳолда амалга оширилади; олий таълим муассасаларида ҳуқук фанлари бўйича назарий машғулотлар муаммоли, маслаҳат-маъруза, маъруза-матбуот анжумани, бинар-маъруза, маъруза-суҳбат каби инновацион характердаги маъруза турлари ёрдамида ташкил этилади; ўқув машғулотларининг асосий қисми талабалар томонидан ҳуқуқий характердаги казуе ва ўқув кейсларининг ечимини топишга ажратилган.

Айни вақтда иқтисодий жиҳатдан етакчи бўлган давлатларда шахсга йўналтирилган таълимнинг муаммоли, лойиха, ривожлантирувчи, табақалаштирилган, инновацион, модул, ҳамкорлик, интерфаол, индивидуал, дастурий, масофавий, компьютер ва мустақил таълим, шунингдек, ўйин технологияларидан самарали фойдаланилмоқда. Уларнинг ҳар бири муайян мақсадга хизмат қилади.

Албатта, ноюрлик олий таълим муассасаларида ҳуқук фанларини ўқитишда шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг юқорида қайд этилган турларнинг барчасидан ўринли ва мақсадли фойдаланиш мақсадаги мувофиқ. Бирок, бир тадқиқот доирасида шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг барча турларидан фойдаланишнинг дидактик афзалликларини тадқиқ қилиш имконсиз.

Шу боис, тадқиқот доирасида ноюрлик олий таълим муассасаларида ҳуқук фанларини ўқитишда қуйидаги таълим технологияларининг дидактик имкониятини ўрганиш мақсадаги мувофиқ деб топилди:

1. Интерфаол таълим технологиялари.
2. Муаммоли таълим технологиялари.
3. Ўйин технологиялари.

Шунингдек, ўқитишнинг инновацион таълим технологияларига асосланиши талабаларнинг билим олишга бўлган қизиқиш, мотивацияларини ривожлантиради, ўқув-билиш фаоллигини оширади, билимларини мустаҳкамлайди. Шу сабабдан ноюрлик олий таълим муассасаларида ҳуқук фанларини ўқитишда инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш ўзига хос аҳамият касб этди. Бу жараёндаги ўқитишда интерфаол ва муаммоли таълим, шунингдек, ўйин технологиялари ўзининг дидактик имкониятлари тўғрисида ўқув жараёнини самарали ташкил этишга ёрдам берди. Мазкур таълим технологияларининг таркибий элементлари бўлган “Блиц-сўров”, “Биламан, Билиб олдим. Билишни хоҳлайман” (БББ), “Барча омиллари хисобга ол!” (БОХО), “Концептуал жадал”, “Мангикий чалкаш занжир”, “Қандай?”, “Балик скелети” (интерфаол таълим технологиялари), кейс-стади, ҳуқуқий казуе (муаммоли таълим), кроссворд, “Бир асосга эга юридик тушунчалар” (ўйин технологиялари) кабилардан ҳуқук фанларини ўқитишда фойдаланиш таълим самарадорлигини таъминлайди. Сукрот усули айрим педагоглар томонидан эскирган усул сифатида баҳоланса-да, мавзуга доир АҚШ ва Европадаги тадқиқотларда ҳамон етакчилик қилмоқда. Тадқиқот жараёнида “Case-study” услубининг моҳияти ёритилди ва ҳуқук таълимни жараёнида уни қўллаш имкониятлари очиб берилди.

Инновацион таълим муҳити шароитида ўқитиш жараёнини ташкилий жиҳатдан самарали уюштира олиш ҳам талаб этилади. Шу боис, сўнгги йилларда таълимнинг ташкилий шаклларида бири бўлган маъруза машғулотларининг инновацион характер касб этиши муҳим эканлиги таъкидланмоқда. Эмпирик тажриба ахборотли (“Жиноят ҳуқуқи” ўқув фани бўйича “Жиноят тушунчаси”, “Жиноят таркиби”, “Жиноий жазо ва унинг турлари”, “Вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари”, “Меҳнат ҳуқуқи” ўқув фани бўйича эса “Меҳнатта оид муносабатлар”, “Меҳнат шартномаси”, “Меҳнат низолари” мавзулари бўйича), муаммоли (“Давлат ҳуқуқи” ўқув фани бўйича “Фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари”, “Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби” мавзусидаги ўқув кейслари ҳамда “Меҳнат ҳуқуқи” ўқув фанидан ишга қабул қилиш ҳамда меҳнат жамоаси фаолиятини ташкил этишга доир ҳуқуқий казуслар) ва визуал (“Жиноят ҳуқуқи” ўқув фани бўйича - “Жиноят ҳуқуқи тушунчаси”, “Вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари” мавзулари) маърузалар ўзининг методик хусусиятларига кўра самарали эканлиги асосланди. “Меҳнат ҳуқуқи” ва “Жиноят ҳуқуқи” ўқув фанлари бўйича тайёрланган ностандарт тестлар эса талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари даражасини кўп томонлама пухта аниқлаш имконини берди.



Тадқиқот ишнинг “**Ноюридик олий таълим муассасаларида ҳуқук фанларини ўқитиш методикасини такомиллаштиришга оид тажриба-синов ишлари натижаси ва уларнинг таҳлили**” деб номланган учинчи бобида тажриба-синов ишларининг қўйиллиши, мазмуни, натижалари ва уларнинг таҳлиliga оид мулоҳазалар баён этилган; ҳуқук фанларини ўқитиш методикасини такомиллаштиришга доир тажриба-синов ишнинг **мақсади** эса ноюридик олий таълим муассасаларида ҳуқук фанларини ўқитиш методикасини такомиллаштириш имконини берувчи педагогик шарт-шароитлар ва омилларни белгилаш, самарали усул ва воситаларни аниқлашдан иборат эди. Тажриба-синов ишини олиб бориш жараёнида қуйидаги вазифаларнинг бажарилиши мақсадга эришишга ёрдам берди:

- 1) ноюридик олий таълим муассасаларида ҳуқук фанларини ўқитишнинг назарий тавсифини ёритиш; 2) ҳуқук таълими тарихи, ўқитишнинг устувор тамойиллари ва муҳим ёндашувларини таҳлил қилиш;
- 3) олий таълим муассасаларида ҳуқук фанларини ўқитишнинг мавжуд ҳолатини илмий жиҳатдан таҳлил қилиш; 4) хориж тажрибаси ва шахсага йўналтирилган технологиялар асосида ҳуқуқий таълим мазмунини такомиллаштириш омилларини аниқлаштириш; 5) ноюридик олий таълим муассасаларида ҳуқук фанларини ўқитишнинг ташкилий-функционал моделини ишлаб чиқиш; 6) ҳуқук фанларини ўқитишнинг инновацион технологиялари самардорлигини баҳолаш.

Шакллантирувчи тажриба босқичида диссертант томонидан тавсия этилган ноюридик олий таълим муассасаларида ҳуқук фанларини ўқитиш методикасини такомиллаштиришга доир тажриба дастури ва говлари кенг қўлама синовдан ўтказилди. Ҳуқук таълими бўйича ўқув машғулотларининг диссертант томонидан танланган уч турдаги инновацион таълим технологиялари – интерфаол ва муаммоли таълим, шунингдек, ўйин технологиялари асосида ташкил этилишига эришилди.

Педагогик тадқиқотларнинг самардорлигини асосан, таълим олувчиларнинг билим, кўникма, малака ҳамда касбий компетентлик сифатларига эгаликлари билан белгилаш аънааси шаклланган. Ушбу аънаанага мувофиқ тадқиқотни олиб бориш жараёнида ноюридик олий таълим муассасаларида ҳуқук фанларини ўқитиш методикаси такомиллаштирилганлигининг инъикоси сифатида респондент-талабаларнинг ҳуқуқий билим, кўникма, малака ҳамда ҳуқуқий компетентлик сифатларига эгаликларини баҳоловчи мезонлар ҳам аниқланди.

Қуйидаги мезонлар ўз навбатида респондент-талабаларнинг касбий-ҳуқуқий билим ва малака сифатларига эгалигини даражавий кўрсаткичларини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилди. Улар:

1. Аъло даража – ҳуқуқий билимларни пухта ўзлаштирган; касбий фаолиятда ҳуқуқий масалаларни ижобий ҳал қилишга тайёр, ўқув-билиш фаолиятда ҳуқуқий компетентлик сифатларига эгалигини доимий равишда намоён эта олади.
2. Ўрта даража – ҳуқуқий билимларни етарлича ўзлаштирган; касбий фаолиятда ҳуқуқий масалаларни ижобий ҳал қилишга уринса-да, баъзан

кўйинчиликларга дуч келади; ўқув-билиш фаолиятида ҳуқуқий компетентлик сифатларига эгалигини изчил бўлмаса-да, намоён эта олади.

3. Кониқарли даража – ҳуқуқий билимларни етарлича ўзлаштирмаган; касбий фаолиятда ҳуқуқий масалаларни ижобий тўғри ҳал қила олмайд; ўқув-билиш фаолиятида ҳуқуқий билим ва кўникма сифатлари етарли эмас.

Шакллантирувчи ва таъкидловчи тажрибалар даврида ноюридик олий таълим муассасаларининг респондент-талабаларида касбий-ҳуқуқий билим, малака-компетентлик сифатларининг ривожланганлик даражаси юқорида кўрсатилган мезонлар бўйича аниқланди.

Математик статистик таҳлил талабларига кўра тажриба ва назорат гуруҳларида таъкидловчи тажриба даврида талабаларнинг “Миллий ғоя, маънавият ва ҳуқук фанларини ўқитиш методикаси”, “Меҳнат ҳуқуқи” ва “Жиноят ҳуқуқи” фанлари доирасида назарий билим ҳамда амалий кўникмаларнинг шаклланганлик даражасини ифодалашга хизмат қилувчи кўрсаткичлар ёрдамида уларга мос равишда 1- ва 2-танланмаларнинг қуйидаги вариацион қаторлари ҳосил қилинади (1-жадвалга қarang):

1-жадвал

**Ноюридик олий таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим назарияси ва методикасининг такомиллашганлик даражаси**

Танланмалар	Гуруҳлар	Респондентлар сони	Аъло	Ўрта	Кониқарли
1-танланма	Тажриба (X <sub>1</sub> )	220	52	89	101
2-танланма	Назорат (Y <sub>1</sub> )	222	29	72	142

Бу тенгламага мос келадиган диаграмма қуйидаги кўринишга эга бўлди (3-расм).

3-расм



**3-расм. Ноюридик олий таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим назарияси ва методикасининг такомиллашганлик кўрсаткичи**

Талабалардан олинган сўровнома натижалари ҳуқуқий билим доирасини кенгайтириш эҳтиёжининг борлигини ва машғулот жараёнида вазиятларга

нисбатан кизиқининг юкори эканлигини кўрсатди. Ноюрдик олий таълим муассасаларида тахсил олаётган талабаларнинг хукукий таълим назарияси ва методикасига доир билимларининг (юкори, ўрта, паст) даражалари аниқланди.

Тажриба ва назорат гуруҳларида кайд этилган кўрсаткичларнинг белгиланган танланмалар учун мос бўлган ўртача кийматлари  $X > Y$  деб белгилаб олинди. 1-жадвал кўрсаткичлари асосида Стьюдент-Фишер методи формуласи ёрдамида статистик тахлил амалга оширилади:

$$\bar{X} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n-1} n_i x_i = \frac{1}{220} (52 \times 5 + 89 \times 4 + 101 \times 3) = \frac{1}{220} (260 + 356 + 303) = 4,1$$

$$\bar{Y} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n-1} n_i y_i = \frac{1}{222} (29 \times 5 + 72 \times 4 + 142 \times 3) = \frac{1}{222} (145 + 288 + 426) = 3,8$$

Тажриба жараёнида ҳисоб-китоб натижаларига кўра тажриба гуруҳлари талабаларига тегишли бўлган кўрсаткичларнинг назорат гуруҳларида кайд этилган кўрсаткичлардан катта эканлигини тасдиқлади. Бу математик нукта назардан  $X > Y$  га тенглигидан далolat беради.

Стьюдент-Фишер методи мазмунига мувофиқ навбаддаги босқичда тажриба ва назорат гуруҳларида кайд этилган кўрсаткичлар бўйича дастлаб танланма кўрсаткичлари аниқлаб олиниши талаб этилади. Қуйидаги формула орқали танланма дисперцияларини топамиз:

$$D_m = \frac{\sum_{i=1}^{n-1} n_i (x_i - \bar{x})^2 / (n-1) = \frac{52(5-4,1)^2 + 89(4-4,1)^2 + 101(3-4,1)^2}{220} = \frac{52 \times 0,81 + 89 \times 0,01 + 101 \times 1,21}{220} = \frac{42,12 + 0,89 + 122,21}{220} = \frac{165,22}{220} \approx 0,75$$

$$D_n = \frac{\sum_{i=1}^{n-1} n_i (y_i - \bar{y})^2 / (n-1) = \frac{29(5-3,8)^2 + 72(4-3,8)^2 + 142(3-3,8)^2}{222} = \frac{29 \times 1,44 + 72 \times 0,04 + 142 \times 0,64}{222} = \frac{41,76 + 1,8 + 90,88}{222} = \frac{134,44}{222} \approx 0,60$$

Танланма кўрсаткичлари кийматлари ўртача квадрат четланишларни аниқлаш имконини беради. Яъни:

$$\tau_m = \sqrt{0,75} \approx 0,86 \quad \tau_n = \sqrt{0,60} \approx 0,77$$

